

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
№DSc.03/30.12.2019.I.03.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПХОДЖАЕВА ГУЛЧЕХРА БАХАДИРХОДЖАЕВНА

**АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТ
САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (PhD)
Философии по экономическим наукам**

Content of the Doctoral (PhD) dissertation abstract

Юсупходжаева Гулчехра Бахадирходжаевна Автомобиль транспорти корхоналари рақобат салоҳиятидан самарали фойдаланиш.....	3
Юсупходжаева Гулчехра Бахадирходжаевна Эффективное использование конкурентного потенциала автотранспортных предприятий.....	32
Yusupkhodjaeva Gulchekhra Bahadirkhodjayevna Effective use of the competitive potential of road transport companies	59
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	61

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
№DSc.03/30.12.2019.I.03.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПХОДЖАЕВА ГУЛЧЕХРА БАХАДИРХОДЖАЕВНА

**АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТ
САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.3.PhD/Iqt 546 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз(резюме)) веб-саҳифанинг (www.tdiu.uz) ва "Ziynet" ахборот - таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қодиров Туйғун Узоқович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Икрамов Мурат Акрамович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Иминова Наргиза Акрамовна
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.03.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «20» 11 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 246-03-41, e-mail: tstu_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 169 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «30» 10 кун тарқатилди.
(2020 йил «30» 10 N 10 рақамли реестр баённомаси).\



Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.ф.д., профессор

Г.Ж.Аллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.ф.д. (PhD), доцент

М.А.Маҳкамова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қўшидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда, айниқса глобаллашув шароитида миллий, минтақа ва халқаро даражаларда транспорт-логистика хизматларини сифатли кўрсатиш тобора катта аҳамият касб этмоқда. Мазкур жараёнда автотранспорт хизматлари бозори муҳим сегмент сифатида ўрин тутиб, “дунёда ялпи ички маҳсулотдаги унинг улуши 6,8 фоизини ташкил этди”¹. Шулар билан бир қаторда транспорт, жумладан, автотранспорт соҳаси энергия ва табиий ресурсларнинг катта қисмини истеъмол қилиниши баробарида бошқа тармоқларнинг жадал ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Таҳлилнинг кўрсатишича, ривожланган мамлакатларда маҳсулот ва хизматлар таннархида транспорт соҳасининг улуши 8-9 фоизни ташкил қилиб, мазкур кўрсаткич денгиз йўлларига тўғридан-тўғри чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатларда 1,5 баробаргача юқори бўлмоқда. Булар ўз навбатида автомобиль транспорти корхоналарининг рақобат салоҳиятидан самарали фойдаланиш заруратини янада долзарблаштирмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти ва унинг рақобатбардошлигини ошириш шароитида транспорт-логистика хизматлари, жумладан, автомобиль транспорти рақобат салоҳиятини оширишнинг илмий таъминотиغا катта эътибор берилмоқда. Бу борада иқтисодиётни рақамлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда рақобатбардошлик салоҳиятининг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш, халқаро, минтақа ва миллий иқтисодиётлар даражасида транспорт-логистика хизматларини мувофиқлаштирган ҳолда самарали ташкил қилиш, транспорт ишлаб чиқаришни ташкил этиш – иқтисодий муносабатлар даражаси – унумдорлик салоҳиятларини алоҳида эътиборга олган ҳолда рақобат салоҳиятини ошириш, транспорт-логистика хизматига рақамли иқтисодиётни кенг жорий қилиш, ишлаб чиқариш сарф-ҳаражатлари ва маҳсулот таннархини кескин қисқартириш каби устувор йўналишларда илмий изланишлар устувор даражада ташкил этилган.

Мамлакатимизда бугунги кунда автомобиль транспортини самарали ривожлантириш, замонавий ҳаракат воситалари билан етарли даражада таъминлаш ва рақобатбардошлигини ошириш юзасидан тизимли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши Ҳаракатлар стратегиясида² транспорт хизматларини кўрсатишни тубдан яхшилаш борасида алоҳида вазифалар белгилаб берилган. Бу борада соҳада рақобат салоҳияти таркибий элементларини рақамлаштириш салоҳияти асосида такомиллаштириш, автомобиль транспорти ҳаракатдаги таркибига хизматлар кўрсатиш шакллари кенгайтириш ва жамоат транспорти корхоналарининг

¹Владимиров С.А. Мировая транспортная система и логистика: основные направления развития // Региональная экономика и управление: электронный научный журнал // Номер журнала: №2 (46), 2016

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон фармони

рақобат салоҳиятини оширишда интеллектуал транспорт тизимларини қўлаш каби илмий тадқиқотларни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647 сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-4143-сон «Ўзбекистон Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 6 мартдаги ПҚ-4230-сон «Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологиялар таракқиётининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида рақобат устунликларини шакллантириш ва рақобат салоҳиятидан фойдаланишга бағишланган хорижий олимлардан П.Дойль, П.Друккер, Ф.Котлер, М.Портер, А.Томпсон-мл., Ш.Стрикленд, Й.Шумпетер³, МДҲ мамлакатларидан С.П.Абанина, Г.Л.Азоев, Д.С.Воронов, Х.А.Фасхиев; Р.А.Фатхутдинов, В.Д.Шкардун ва Н.Ю.Четыркина кабиларнинг⁴ изланишлари диққатга сазовордир.

Мамлакатимиз олимларидан А.Ш. Бекмуродов, М.Р.Болтабоев, А.А.Фаттахов, М.С.Қосимова, З.Ж.Адилова ва Ш.Ж.Эргашходжаевалар⁵

³Дойль П. Маркетинг-менеджмент и стратегии. 3-издание /Пер. с англ. под ред. Ю.Н. Каптуревского. – СПб.: Питер, 2003. – 544 с.; Друккер П.Ф. Классические работы по менеджменту = Classic Drucker. — М.: «Альпина Бизнес Букс», 2008. — С. 220.; Котлер Ф. Основы маркетинга. Краткий курс Пер. с англ. - М.: Издательский дом «Вильямс», 2015. – 1000 с; Портер М. Конкурентная стратегия. Методика, анализ отрасли и конкурентов. Пер. с англ. – М.: Издательство «Альпина бизнес», 2012. – 454с.; Портер М.Е. Конкурентное преимущество: как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / Пер. с англ, Е. Калинина. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2005, - 714 с.; Томпсон-мл. Артур А., Стрикленд Ш А. Дж. Стратегический менеджмент. Концепции и ситуации для анализа. 12-е изд., Пер. с англ. - М.: Изд. дом "Вильямс", 2006. – 928 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. М., Директ-Медиа. 2007, с 400.

⁴Абанина С.П. Формирование стратегии повышения конкурентоспособности организации. Диссертация канд. экон. наук., Саранск, МорГУ. 2007, 203 с.; Азоев Г.Л., Конкуренция: анализ, стратегия и практика, -М.: Центр экономики и маркетинга, 1996. -206 с.; Азоев Г.Л., Челенков А. П. Конкурентные преимущества фирмы - М: ИНФРА-М, 2000. -256 с.; Воронов Д.С. Оценка, анализ и выявление путей повышения конкурентоспособности предприятий. Дисс. канд.экон. наук. Екатеринбург – 2002, –141 с.; Фасхиев Х. А. Модель управления конкурентоспособностью предприятия /Х. А. Фасхиев, Е. В. Попова // Маркетинг в России и за рубежом. — 2009. — № 6 (74). — С. 107.; Фатхутдинов Р.А. Стратегический маркетинг. -Спб.: Питер, 2002.-448 с.; Фатхутдинов Р.А. Управление конкурентоспособностью организации- -М.: Эксмо, 2004. - 544 с.;Четыркина Н.Ю.Управление конкурентоспособностью организаций сферы услуг: Учебное пособие.– СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2009.–128 с.; Шкардун В.Д. Стратегическое планирование деятельности предприятия на основе методологии маркетинга. Автореферат дисс. док. экон. наук. –М., 2009. 49 с.

⁵Бекмуродов А.Ш. Эффективность маркетинга средств производства. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. д.э.н. – Ташкент, 1993.-54с.; Бекмуродов А.Ш.,Қосимова М.С. , Сафаров Б. Ж. Б.Хизматлар маркетинги. Ўқув

томонидан олиб борилган тизимли тадқиқотлар миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқлари рақобатдошлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий масалаларига бағишланган.

Транспорт хизматлари бозори фаолияти бизнинг мамлакатимизга ўхшаш бўлган МДҲ мамлакатлари олимларидан С.М.Абалонин, А.П.Абрамов, Е.В.Будрина, В.П.Бычков, А.А.Вовк, Г.А.Гольц, С.И.Гриценко, Ю.Х.Гукетлев, И.В.Демьянович, Ю.В.Задворный, Е.И.Зайцев, Н.Иващенко, И.Н.Лавриков, Н.А.Логинова, В.Ф.Лукиных, Н.Лухманова, Л.Б.Миротин, И.А.Морозова, Ю.М.Неруш, Н.В.Пеньшин, Н.К.Табаков, Е.В.Табачникова, И.С.Туревский, В.А.Фурсова ва бошқалар томонидан транспорт тизими фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, транспорт-логистика хизматлари рақобатдошлигини ошириш бўйича изланишлар олиб борилган⁶.

кўлланма. Т, ТДИУ, 2010. 134б.; Болтабоев М.Р.Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф.- Тошкент, 2005.- 36 б.; Фаттахов А.А. Стратегии маркетинга в оптовой торговле и пути повышения её эффективности. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. д.э.н. – Ташкент, 2004. - 42с.; Адилова З.Ж. Халқаро бозорларга экспорт махсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегияси. и.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф.- Тошкент, 2008.- 35 б.;Эргашходжаева Ш.Ж. Инновацион маркетинг. – Тошкент: Чўлпон, 2014. –178 б.;Эргашходжаева Ш.Ж., Самадов А. Н., Шарипов И. Б. Маркетинг, дарслик. Т.: Иқтисодиёт, 2013, 14-15 б.;

⁶Абалонин С.М. Конкурентоспособность транспортных услуг. Учебное пособие. –М.: Академкнига, 2004. – с 101.; Абрамов А.П., Галабурда В.Г., Иванова Е.А. Маркетинг на транспорте. Под общей редакцией д-ра экон. наук, проф. В.Г. Галабурды. Учебник для вузов. М.: Желдориздат. – 2001. – 272 с.;Будрина Е.В. Методология и методы регулирования рынка на транспорте.дис. д-ра экон. наук : Санкт-Петербург, 2002, 331 с.; Бычков В.П. «Экономика предприятий автомобильного транспорта. – М: «Инфра», 2010.

Вовк А.А. Оценка эффективности транспортного производства и резервов ее роста. дис. д-ра экон. наук : Москва, 2001, 365 с.;Гольц Г.А. Транспорт и макроэкономика России за три века // Материалы X международной (тринадцатой екатеринбургской) научно-практической конференции, Екб.: 2004. -С. 138-147.; Гриценко С.И. Стратегия развития транспортно-логистических кластеров в Украине. Автореферат диссер.док.экон.наук. –СПб.; СПбГУЭиФ, 2009,- 41 с.; Гукетлев Ю.Х. Формирование систем регулирования региональных транспортных комплексов. Автореферат диссертации докт. экон. наук. – М: МАДИ, 2009. – 41 с.; Демьянович И. В. Экспертные методы решения проблем качества транспортных услуг // Проблемы современной экономики, 2011. №1, С342-346.;Задворный Ю.В. Управление развитием транспортной инфраструктуры северных регионов. Автореферат дисс. доктора эконом. наук. –М.: РАГС при Президенте РФ, 2011. 46 с.;Зайцев Е. И. Организация производства на предприятиях автомобильного транспорта : учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / Е. И. Зайцев. — М. : Издательский центр «Академия», 2008. - 176 с.;Иващенко Н.Ю. Организация информационной системы управления транспортно-логистическим комплексом региона. Автореферат диссер.канд.экон.наук. –СПб., 2009. – 16.; Лавриков, И.Н. Экономика автомобильного транспорта :учебное пособие /И.Н. Лавриков, Н.В. Пеньшин; под науч. ред. д-ра экон. наук,проф. И.А. Минакова. – Тамбов: Изд-во ГОУ ВПО ТГТУ, – 2011. – 116 с.;Логинова Н.А. Развитие рынка грузовых автотранспортных услуг на основе взаимодействия участников. Автореферат диссертации докт. экон. наук. – СПб: СПбГИЭУ, 2011. – 39 с.;Лукиных В.Ф. Теория и методология управления многоуровневой региональной логистической системой. Автореферат диссертации докт. экон. наук. –СПб.; СПбГИЭУ, 2011. 42 с.;Лухманова Н. А. Методы оценки конкурентоспособности транспортных услуг // Известия РГПУ им. А.И. Герцена. 2009. №90.;Миротин Л.Б., Бульба А.В., Демин В.А. Логистика, технология, проектирование складов, транспортных узлов и терминалов. – Москва: Феникс, 2009. – 416 с.; Морозова И.А. Маркетинговое обеспечение развития инфраструктуры рынка транспортных услуг. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. д.э.н.. – Волгоград, 2008. –С.10-11.;Неруш Ю.М. Проблемы эффективного функционирования транспорта в логистической системе: диссертация д-ра экон. наук : 08.00.05. –М., 2002. 290с.;Пеньшин Н.В. Конкурентоспособность услуг автомобильного транспорта в условиях посткризисной модернизации экономики России. Монография.– Тамбов : Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2010. – 156 с.; Табаков Н. К стратегии развития транспорта//Транспорт Российской Федерации, № 4, 2006. – С 1-6.;Табачникова Е. В. Рынок транспортных услуг : учеб. пособие / Е. В. Табачникова. -СПб. : СПбГИЭУ, 2011. - 202 с.;Туревский И.С. Экономика отрасли (автомобильный транспорт) : учебник. М.: ИД «ФОРУМ» : ИНФРА, 2011. 288 с.;Фурсов В.А. Формирование и функционирование региональных рынков транспортных услуг: теория, методология, практика. Автореферат дисс.докт. экономических наук. Ставрополь, 2011. 45 с.

Шунингдек, республикамизда соҳа мутахассисларидан Ғ.А.Саматов, М.А.Икрамов, С.А.Салимов, М.Н.Ирисбекова, М.Н.Равшанов ва Т.У.Қодировларнинг автомобиль транспорти тизими фаолиятини ташкил этиш, рақобатдошлигини таъминлаш ва бошқариш ҳамда тармоқни инновацион ривожлантиришга бағишланган тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин⁷.

Юқорида номлари келтирилган олим ва мутахассисларнинг илмий асарларида автомобиль транспорти хизматлари кўрсатиш жараёнини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, рақобатдошликни ошириш ва унинг самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асослари каби масалалар ёритилган бўлсада, автомобиль транспорти корхоналарининг рақобат салоҳияти алоҳида тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилмаган.

Шу сабабли, рақобат салоҳиятини автомобиль транспорти тизимида рақобат устунликларини таъминлашнинг базавий шarti сифатида тадқиқ этишга зарурият туғилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади автомобиль транспорти тизимида рақобат салоҳиятидан фойдаланган ҳолда иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

рақобат салоҳияти иқтисодий категорияси асосида автомобиль транспорти тизимида рақобат салоҳиятини шакллантириш ва фойдаланишнинг илмий-услубий асосларини танқидий ўрганиш;

автомобиль транспорти тизими фаолиятининг ривожланиш ҳолати ва унинг умумиқтисодий ривожланишга таъсирини эконометрик баҳолаш;

автомобиль транспорти корхоналари рақобат салоҳиятини оширишда интеллектуал транспорт тизимларини қўллаш имкониятларини асослаш;

автомобиль транспорти корхонаси рақобат салоҳиятини бошқариш тизими самарадорлигини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш;

⁷Саматов Ғ.А. и др. Инновационное развитие автомобильного транспорта. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – 256 с.; Салимов С.А. Основы маркетинга на автомобильном транспорте Узбекистана. Учебное пособие для бакалавров и магистров по специальности «Маркетинг». –Т.:ГАЙИ, 2006. – 170 с.; Равшанов М.Н. Йўл-транспорт мажмуаси иқтисодий салоҳияти: муаммо ва ечимлар. –Т.: МЭ, 2012. - 209 б.;Икрамов М.А. ва бошқ. Автотранспорт воситалари сервиси: олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2011. – 192 б.; Ирисбекова М.Н. Транспорт хизматлари бозорининг рақобат устунликларини таъминлашни маркетинг механизмлари. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2012. –180 б.;Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти рақобатдошлиги: ташкилий-иқтисодий механизмлар. Монография. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2013. 256 б.

автомобиль транспорти корхоналари рақобат салоҳиятини аутсорсингни қўллаш орқали ошириш имкониятларини асослаш;

автомобиль транспорти корхонаси ташиш қобилиятидан самарали фойдаланиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон автомобиль транспорти хизматлари бозорида транспорт-логистика хизматларини кўрсатувчи корхоналар фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб автомобиль транспорти корхоналари рақобат салоҳиятини шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида монографик ўрганиш, илмий абстракция, тизимли ёндашув, иқтисодий-математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш, иқтисодий индекслар ва корреляцион-регрессион таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

автомобиль транспортининг рақобат салоҳияти таркиби рақамлаштириш салоҳиятини киритиш асосида такомиллаштирилиб, унинг асосида автокорхоналарнинг техник-эксплуатацион рақобатбардошлиги ва йўловчи ташиш ҳажмини ошириш асосланган;

соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда автомобиль транспортининг рақобат салоҳиятини ишлаб чиқаришда транспорт ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодий жиҳатдан иқтисодий муносабатлар даражаси ва ижтимоий жиҳатдан меҳнат жамоасининг иш унумдорлиги салоҳиятлари асосида баҳолаш таклиф қилинган;

Тошкент шаҳри ва шаҳар атрофи автотўналишларида хизмат кўрсатувчи хусусий транспорт операторларининг ҳаракатдаги таркибига техник, таъмирлаш ва дезинфекцион тозалаш бўйича хизмат кўрсатишни аутсорсинг (outsourcing) асосида йўлга қўйиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асосланган;

жамоат транспорти корхоналарининг рақобат салоҳиятини оширишда вақтни комплекс бошқариш, ёқилғи маҳсулотлари назоратини самарали амалга ошириш, таъмирлаш ишларини вақтида ташкил этиш, эҳтиёт қисмлар иқтисоди ва бандлик каби омилларни эътиборга олган ҳолда интеллектуал транспорт тизимларини (GNSS-Global Navigation Satellite System) GPS, (АҚШ), E-CALL (Европа Иттифоқи) ва ГЛОНАСС (РФ) навигация тизимлари билан интеграллашган миллий UzGNS глобал навигация тизими асосида ташкил қилишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

автомобиль транспорти корхонаси рақобат салоҳиятини шакллантириш механизми ва унинг элементларига интеллектуал транспорт тизимларини қўллаш ва аутсорсингни қўллаш қабиларни эътиборга олган ҳолда аниқлик киритилган;

автомобиль транспорти корхонаси рақобат салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш услубияти рақамли иқтисодиёт талабларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

автомобиль транспорти корхонаси рақобатдошлик даражасини баҳолаш ва унинг салоҳиятини ошириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг алгоритмик модели шакллантирилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги назарий ва қўлланилган ёндашув ва усулларнинг тадқиқот мақсадига мувофиқлиги, соҳанинг ривожлантиш ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими ва тегишли материалларнинг расмий манбаларидан олинганлиги ҳамда тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиб, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иш ишлаб чиқилган назарий таклиф ва тавсияларнинг автомобиль транспорти тизими ва автокорхоналарнинг иқтисодий салоҳити ва рақобатбардошлигини баҳолашнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштиришда фойдаланишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда асосланган ғоялар, амалий таклиф ва тавсиялардан транспорт салоҳиятини ошириш борасида қабул қилинадиган қарорлар ҳамда автомобиль транспорти тизими ва автокорхоналарни тармоқ, ҳудуд ва хўжалик даражасида истиқболли ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда, тармоқлараро инновацион ривожланиш стратегиялари ва ахборот базаларини шакллантиришда, соҳага оид мақсадли илмий изланишларда, транспорт тизимида кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Автомобиль транспорти корхоналари рақобат салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

автомобиль транспортининг рақобат салоҳияти таркибига «рақамлаштириш салоҳияти»ни киритиш асосида такомиллаштириш ҳисобига автомобиль транспорти корхоналари техник-эксплуатацион рақобатбардошлиги ва йўловчи ташиш ҳажмини ошириш бўйича таклиф «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ тизимига жорий қилинган («Тоштранспетчерхизмат» унитар корхонасининг 2019 йил 18 октябрдаги 1732/09-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида жамият таркибига кирувчи автобус корхоналарининг техник-эксплуатацион барқарорлиги таъминланган ва доимий ҳаражатлар миқдори ўзгармаган ҳолда қўшимча равишда 96,0 минг йўловчи ташишга эришилган;

рақобат салоҳиятини ишлаб чиқаришда автотранспорт ишлаб чиқаришини ташкил этиш, иқтисодий жиҳатдан иқтисодий муносабатлар даражаси ва ижтимоий жиҳатдан меҳнат жамоасининг иш унумдорлиги

салоҳиятлари асосида баҳолаш бўйича таклифлар «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ тизимига, жумладан UZGPS «BePro Dasturchilar markazi» МЧЖ фаолиятига жорий қилинган («Тоштранспедиспетчерхизмат» унитар корхонасининг 2019 йил 18 октябрдаги 1731/09-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий қилиниши натижасида ташиш жараёнларини масофадан бошқариш ва мониторинги транспорт воситаларидан мақсадли фойдаланмаслик, уларнинг туриб қолиши ҳолатлари ва ёқилғи исрофгарчиликларини олдини олиш ҳисобига ташиш таннархни 10-12 фоизгача пасайтириш, 30 та йўловчи ташувчи енгил автомобиллар мисолида 2019 йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича 10 млн сўмдан ортиқ бошқарув, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатларининг иқтисод қилинишига хизмат қилган;

ҳаракатдаги таркибга техник, таъмирлаш ва дезинфекцион тозалаш бўйича хизмат кўрсатишни аутсорсинг (outsourcing) асосида йўлга қўйиш бўйича таклифлар Тошкент шаҳри ва шаҳар атрофи автойўналишларида хизмат кўрсатувчи хусусий транспорт операторлари амалиётига жорий этилган («Тоштранспедиспетчерхизмат» унитар корхонасининг 2019 йил 18 октябрдаги 1732/09-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий қилиниши натижасида автобус корхоналарининг ишлаб чиқариш базаларида техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари фаолияти бўйича йилига 370,0 млн сўм қўшимча соф даромад олинган ҳамда хусусий ташувчиларда мазкур позициялар бўйича харажатлари 12 фоизгача пасайиб, хизматлари рақобатдошлигининг ошиши таъминлаган;

жамоат транспортининг рақобат салоҳиятини оширишда интеллектуал транспорт тизимларини GPS, E-CALL ва ГЛОНАСС навигация тизимлари билан интеграллашувчи миллий UzGNS глобал навигация тизими асосида ташкил этиш бўйича таклифлар «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ тизимига жорий қилинган («Тоштранспедиспетчерхизмат» унитар корхонасининг 2019 йил 18 октябрдаги 1731/09-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий қилиниши натижасида салт юриш масофасини қисқартириш ҳисобига йилига 91,5 млн. сўмлик ёқилғи харажатлари (2019 й.) ва 20 та автобус йўналишида йиллик ташиш харажатлари 850 млн. сўмга тежалган, йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг мунтазамлиги ва сифати ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларга мувофиқ 4 та мақола миллий ва 2 та мақола халқаро журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 142 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фани ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзуининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси келтирилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши ҳамда тадқиқот натижаларининг апробацияси ва эълон қилингани, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертация ишининг биринчи боби **“Рақобат салоҳиятини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланишнинг назарий-услубий асослари”** деб номланиб, рақобат салоҳиятининг корхона иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлашдаги ўрни, автомобиль транспортида рақобат салоҳиятини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилиб, автомобиль транспорти корхоналарининг рақобат салоҳиятини тизимли тадқиқ этишнинг методологик асослари ва транспорт хизматлари рақобатдошлигини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш масалалари назарий-услубий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Ҳар қандай корхонанинг муваффақиятли ривожланиши унинг ўз ички потенциали имкониятларидан самарали фойдаланишига боғлиқдир. Айнан корхона имкониятлари унинг келажақда бизнесини қай даражада самарали ва муваффақият билан ривожлантириш мумкинлигини белгилаб беради. Демак корхоналар ривожланиши ва улар бозор қийматининг ўсиши умумий салоҳиятлари мавжудлигидагина рўй беради. Шунинг учун корхонани ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш унинг салоҳиятига асосланади. Рақобат салоҳияти корхона умумий салоҳиятининг ташкил этувчи асосий элементларидан бири бўлиб, тадқиқотимиз давомида олинган натижалар асосида уни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи асосий шартлар аниқланди:

-рақобат салоҳиятини шакллантирувчи ташкил этувчилар ва уларга эғалик қилиш имкониятларининг мавжудлиги;

-корхонанинг рақобат салоҳиятини амалда унинг рақобат устунликларига айлантирувчи услуб, усуллар ва воситаларнинг мавжудлиги;

-корхона рақобат салоҳиятини баҳолаш ва рақобатчиларнинг кўрсаткичлари билан таққослаш имкониятлари;

-ташқи муҳит омиллари таъсирини ҳисобга олган ҳолда корхона фаолиятини ўзгарувчан бозор шароитларига мослаштириш мумкинлиги.

Корхона ички имкониятлари ҳисобига рақобат салоҳиятини шакллантириб, қулай ташқи шароитда бозорда ўз рақобат позициясини эгаллаши мумкин. Бу эса чекланган ички ресурслардан фойдаланиш

имкониятларидан келиб чиқиб, ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Тадқиқот натижалари асосида рақобат салоҳияти 6 та асосий таркибий элементларга: маркетинг салоҳияти, инновацион салоҳият, ресурс салоҳияти, ишбилармонлик салоҳияти, рақамлаштириш салоҳияти ва бозор салоҳиятига бўлиб, уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди (1- жадвал).

1- жадвал


Рақобат салоҳиятининг таркибий элементлари ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари⁸

№	Рақобат салоҳиятининг тақрибий элементлари	Ривожлантириш йўналишлари
1.	Маркетинг салоҳияти	- маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш; - истеъмолчининг хулқ-атворини ўрганиш ва уларнинг талаблари шаклланишига таъсир кўрсатиш; - маркетинг ахбороти ва коммуникациялари тизимини такомиллаштириш; - бозорда маҳсулотни силжитишнинг замонавий воситаларини қўллаш; - бенчмаркинг.
2.	Инновацион салоҳият	- ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини жадал қўллаш; - корхона асосида илмий-тадқиқот бўлимларини ташкил этиш; - инновацияларни ривожлантириш жараёнига турли даражадаги ходимларни жалб қилиш.
3.	Ресурс салоҳияти	-замонавий ва тежамкор ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш; -фонд қайтимини ошириш, фонд сиғимини камайтириш; -ишлаб чиқариш қувватларини оптималлаштириш; -ишлаб чиқариш ва бошқа ҳаражатларни оптималлаштириш; -айланма маблағлар айланувчанлигини тезлаштириш; -маҳсулот бирлигига айланма маблағлар юкланишини камайтириш; -фойдани қайта инвестициялаш орқали ишлаб чиқариш активларини янгилаш ва кенгайтириш; -маҳсулот сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш; -бошқарувда сифат менежментини жорий этиш; -ходимлар таркибини оптималлаштириш ва қўнимсизлигини камайтириш; -ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш; -ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини самарали ташкил этиш; -товар етказиб берувчилар билан алоқалар ва логистика тизимини яхшилаш.
4.	Ишбилармонлик салоҳияти	-корхонада корпоратив кадрятлар тизимини жорий этиш ва ташкилий маданиятни ривожлантириш; -бўлимлар ва ходимлар ўртасида ички соғлом рақобат муҳитини шакллантириш; -жамоада соғлом маънавий ва руҳий муҳитни шакллантириш; -ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш ва бошқалар.
5.	Рақамлаштириш салоҳияти	-статистик база ва ҳисобот фаолиятини рақамлаштириш; -ишлаб чиқариш фаолиятини рақамлаштириш; -субъект ва тизим даражасидаги жараёнларни рақамлаштириш; -субъект, тизим ва макро даражадаги тизимларнинг интеграциясини ташкил қилиш; -рақамлаштиришга оид бошқа жараёнлар
6.	Бозор салоҳияти	-корхона маҳсулотига қўшимча эҳтиёжларни излаб топиш ва уларни талабга айлантириш; -мижозларни жалб қилишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш; -янги бозор сегментларини ўзлаштириш.

⁸Манбалар асосида муаллиф томонидан тузилган

Тадқиқотлар натижасида хулоса қилиш мумкинки, корхона рақобат салоҳияти иқтисодий салоҳиятнинг таркибий элементи сифатида қуйидаги функционал компонентлар: ишлаб чиқариш, молиявий, маркетинг, ташкилий, бошқарув ва инновацион салоҳиятлар билан ўзаро мувофиқлашиб, стратегик даражада иқтисодий салоҳиятни шакллантиради (1-расм).

Рақобат салоҳиятини шакллантириш динамик жараён бўлиб, ундан фойдаланиш ишлаб чиқариш қувватини кенгайтиришни унинг ўсиш суръатига мувофиқ амалга оширишни, мавжуд ресурс имкониятлари доирасида маҳсулот ва хизматларга бўлган талабни мумкин қадар тўлиқ қондириш ҳамда энг юқори иқтисодий наф олишга йўналтиришни таъминлайди.



1-расм. Корхона рақобат салоҳиятининг шаклланиши ва жамланма иқтисодий салоҳиятга таъсири механизми⁹

Корхонанинг рақобат салоҳияти бевосита унинг рақобат устунликларини таъминловчи пойдевор ҳисобланар экан, бундай салоҳиятни шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этишга бўлган мавжуд илмий ёндашувлар тизимлаштирилди.

⁹Муаллиф ишланмаси

Автомобиль транспорти корхоналари рақобат салоҳиятидан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш муаммоларини ҳал қилишда, энг аввало, унга умумиктисодий нуқтаи назардан, сўнгра транспорт тизими нуқтаи назаридан ёндашув ўринли бўлади, деб ҳисоблаймиз. Бу ўз навбатида рақобат салоҳиятини:

-ташиш сифати ва хавфсизлигига қўйиладиган замонавий талаблар асосида энг кам сарф-ҳаражатлар билан аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг юк ва йўловчи ташишга бўлган талабини қондиришга йўналтириш;

-ташишда техник, технологик ва ташкилий-иқтисодий масалаларини ҳал этишда барча турдаги автомобиль транспорти корхоналари фаолиятида қўллаш мумкин бўлган умумий моделини тизимли-иерархик асосда шакллантириш имконини туғдиради.


Автомобиль транспорти умумий логистика тизимининг элементи бўлиши билан бир вақтда, алоҳида элементлардан (техник хизмат кўрсатиш ва сервис, транспорт операторлари, йўл ва йўлолди инфратузилмаси) иборат тизим сифатида фаолият кўрсатади. Унинг тизим сифатидаги асосий мақсади транспорт-логистика хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошириш ва уларнинг таннархини пасайтириш ҳисобига максимал фойда олишдан иборат бўлади (2-расм).

Тадқиқотимиз асосида шундай хулосага келдикки, автомобиль транспорти корхонасининг рақобат салоҳиятини иккига: корхона рақобат салоҳияти ва транспорт хизматлари рақобат салоҳиятларига ажратиб тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки рақобатчилар ўртасида муҳит ва ишлаб чиқариш салоҳиятлари тенг бўлган шароитда рақобат устунлигига транспорт хизматлари рақобатдошлиги орқали эришилади.

Автомобиль транспорти корхоналарида техникавий жиҳатдан бу транспорт хизматлари кўрсатиш салоҳияти; ишлаб чиқаришда - транспорт ишлаб чиқаришни ташкил этиш салоҳияти, иқтисодий жиҳатдан иқтисодий муносабатлар тизими ва ижтимоий жиҳатдан - меҳнат жамоасининг иш унумдорлиги салоҳияти билан белгиланади.

Демак, рақобат салоҳиятини шакллантириш бошқа иқтисодий-ижтимоий жараёнлар сингари маълум бир ташкилий-иқтисодий технологиялар асосида амалга оширилади. Унга автокорхона ходимлари томонидан локал салоҳиятларни шакллантириш ва уларни талаб этиладиган рақобат салоҳиятига эришиш учун мувофиқлаштириш бўйича мақсадли ҳаракат қилишга йўналтирилган операция ва амаллар сифатида қараш мумкин.

Автомобиль транспорти рақобат салоҳиятини шакллантириш ва ундан фойдаланиш жараёнини ташкил этиш масалалари ҳар бир базавий жараёнлар кўламида алоҳида кўриб чиқилади. Транспорт-логистика хизматларини кўрсатиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ҳамда транспорт корхонаси моддий таъминоти бир томондан мустақил локал салоҳиятлар бўлсада, умумий салоҳиятнинг бир-бирига боғлиқ бўлган таркибий элементлари ҳисобланадилар (2-расм).



2-расм. Автомобиль транспорти корхонаси рақобат салоҳиятини шакллантиришнинг умумий механизми¹⁰

Мазкур қарашлар асосида диссертация ишида автомобиль транспорти корхонаси рақобат салоҳиятини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг такомиллаштирилган алгоритмик модели таклиф этилди.

Рақобат салоҳияти бошқа иқтисодий категориялар сингари микдорий кўрсаткичлар билан бирга сифат тавсифларига ҳам эга бўлиб, корхона манфаатлари, муаммолари, мақсади ва вазифаларини тўғри белгилаб олиш учун уни маълум бир мезонлар асосида баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Рақобат салоҳиятини шакллантириш ҳар бири баҳоланувчи узвий боғланган бир неча босқичлардан иборат бўлиб, рақобатдошликни

¹⁰Муаллиф ишланмаси

таъминлашга йўналтирилган автокорхонанинг операцион ва стратегик фаолияти моделлари асосида амалга оширилади.

Корхона рақобат салоҳиятини баҳолаш тизимини такомиллаштирмасдан туриб, унинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш мушкулдир. Буни қуйидаги вазиятлар билан тушунтириш мумкин:

- транспорт хизматлари бозорининг ўзгарувчан шароитларида мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш даражаси ва усуллари самара бермаслиги мумкин;

- рақобат салоҳиятини шакллантириш комплекс ёндашувни талаб этиб, ҳамма вақт ҳам унинг ресурс таъминоти ташкилий томонлари билан мутаносиб боғланмайди;

- бозорда тўпланган тажрибадан ташқари рақобат салоҳиятини шакллантиришнинг илмий ва инновацион усуллари ҳам таяниши лозим;

- рақобат салоҳиятининг бошқарув механизмини такомиллаштириш ва янгича ташкилий тузилмаларни жорий этиш зарурияти;

- рақобат салоҳиятини юксалтириш ходимлар малакасини ҳам мос равишда оширишни талаб этади.

Шулар асосида автомобиль транспорти корхоналари рақобатдошлигини баҳолаш ва салоҳиятини ошириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг кўп босқичли модели таклиф этилди.

Автомобиль транспорти хизматлари рақобатдошлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда энг аввало истеъмолчилар талабларини фойдаловчи мезонларга эътибор қаратишимиз лозим. Чунки транспорт хизматлари истеъмолчилари уларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ қондира оладиган кўрсаткичларга эътибор қаратган ҳолда бирор бир корхона хизматидан фойдаланиш истагини билдирадидилар. Автомобиль транспорти корхоналари ушбу истеъмолчиларнинг талабларига мос келадиган транспорт хизматларининг бозордаги истеъмол даражаси, бозор ҳажми ва транспорт хизматларини кўрсатиш истиқболини баҳолашга қаратишлари лозим. Бунда баҳолаш учун танланган рақобатдошлик кўрсаткичлари уларнинг меъёрий, мижозлар талаб этадиган ёки намуна қилиб олинган хизмат кўрсаткичлари билан таққосланади. Ҳар қандай кўрсаткич аниқ бир вақт ва жойда мавжуд бўлиб, уларни баҳолашда таққослама характерга эга бўлиши талаб этилади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда рақобатдошликни баҳолашнинг умумий қоидаларини шакллантириш мумкин:

- Корхона ва унинг рақобатдошлигини баҳолашда истеъмолчилар томонидан қўйиладиган талабларга устуворлик берилади. Корхона ва истеъмолчиларнинг манфаатлари кесишуви ёки қарама-қарши бўлиши мумкин;

- баҳолаш аниқ вақт ва жойда амалга оширилади;

- кўрсаткичларни рақобатчилар, ўхшаш маҳсулот ёки хизматлар билан таққосланади;

- кўрсаткичларни турлича катталиқда ўлчанишига қарамай (иқтисодий ва техник кўрсаткичлар) уларни ягона интеграллаш имконияти бўлиши лозим;

- кўрсаткичлар мумкин қадар истеъмолчилар талабига мослаштирилади;

- кўрсаткичлар даражасининг жамият ва атроф-муҳитга салбий таъсири мумкин қадар кам бўлиши лозим.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар асосида автотранспорт корхоналари рақобатдошлигини тавсифловчи мезонлар гуруҳини шакллантириш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари. Мавжуд асосий ишлаб чиқариш фондлари ва айланма маблағлар, молиявий ва инсон ресурсларидан фойдаланган ҳолда транспорт хизматлари кўрсатиш ҳажми ҳамда ундан олинган иқтисодий самарани ифодалайди.

2. Молиявий ҳолат кўрсаткичлари. Корхонанинг фаолияти учун зарур молиявий ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланишни тавсифлайди.

3. Автомобиль транспорти корхонасининг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари – транспорт воситасини тўғри танлаш, уларни самарали ишлатиш, ташишни ташкил этишнинг замонавий усуллари жорий этилишини тавсифлайди.

4. Транспорт хизматлари кўрсатиш сифати ва баҳоси. Транспорт хизматлари бозорининг муайян сегментида, сифат ва нарх хусусиятлари бўйича рақобат устунликларига эга бўлишни тавсифлайди.

5. Фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш. Корхонанинг ташқи ва ички муҳит таъсири остида рақобат устунлигига эришишини таъминловчи бошқарув қарорлари самарадорлигини тавсифлайди.

Бугунги кунда рақобатдошликнинг интеграл кўрсаткичини баҳолашнинг энг универсал усуллари билан бири қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$I_r = \sum_{i=0}^n k_i q_i \quad (1)$$

Бу ерда: k_i - бирор бир фаолият йўналиши ёки мезон бўйича рақобатдошлик кўрсаткичи, q_i - i -чи кўрсаткичнинг вазни. Амалиётда алоҳида рақобатдошлик кўрсаткичлар вазнларини ҳисоблашда эксперт усуллари билан фойдаланилади.

Диссертациянинг **“Автомобиль транспорти тизими фаолияти кўрсаткичлари таҳлили ва салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш”** номли иккинчи бобида республика автомобиль транспорти тизими фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили, автомобиль транспорти тизими салоҳиятининг умумиқтисодий ривожланишга таъсирини эконометрик баҳолаш амалга оширилиб, автомобиль транспорти корхоналари рақобат салоҳиятини оширишда интеллектуал транспорт тизимларини қўллаш имкониятлари ўрганилди.

Бугунги кунда республикамизда ҳам хизматлар соҳасининг барқарор суръатларда ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Умумий хизматлар ҳажмининг 1/3 қисми транспорт хизматлари ҳиссасига тўғри келади.

Автомобиль транспорти тизими ривожланишининг мамлакат иқтисодиёти тараққиётидаги аҳамиятини баҳолаш учун мазкур тадқиқотлар доирасида тармоқнинг фаолият кўрсаткичлари таҳлили амалга оширилди.

Бунда, аввало, мамлакат транспорт тизими ривожланиш кўрсаткичларининг сўнгги йиллардаги ўзгариши таҳлил этилди.

2018 йилга келиб, автомобиль транспортининг умумий юк ташиш ҳажмидаги улуши 88,7фоизни, юк айланмасида – 20,5фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар мутлоқ ҳажмда 2000 йилга нисбатан мос равишда юк ташиш ҳажми ва юк айланмаси 1,6 баробарга ўсган. Транспорт ишининг ошишига юк ташиш ҳажми билан бирга уларни ўртача ташиш масофасининг 12,7 километрдан 13,3 километрга ошиши ижобий таъсир этган. Худди шунингдек, йўловчи ташиш ҳажми ва йўловчи айланмаси ҳам мос равишда 1,8 ва 5,1 баробарга ўсган. Бу ерда ҳам йўловчи айланмасидаги ташиш ҳажмига нисбатан ўсиш суръатининг юқорилиги 1 та йўловчининг ўртача ташиш масофасининг қарийб 3 баробарга ошганлиги билан тушунтирилиши мумкин.

2-жадвал

Транспорт тизими ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражаси таҳлили¹¹

Йиллар	Асосий фондлар қиймати, млрд. сўм; X_1	Транспортда банд ишловчилар сони, минг киши; X_2	Транспорт тизими ялпи маҳсулоти, млрд. сўм; Y		Ресурслардан фойдаланиш коэффициенти
			амалда	ҳисобланган	
2010	10397,9	164,0	6090,0	6039,5	1,01
2011	15569,4	163,7	7851,8	8014,0	0,98
2012	19278,8	169,1	9871,0	9448,7	1,04
2013	26108,3	189,6	12173,2	12124,5	1,00
2014	33150,1	174,4	14052,3	14764,8	0,95
2015	35525,1	176,3	15670,5	15678,2	1,00
2016	42388,5	175,2	18756,9	18296,5	1,03
2017	51579,8	198,3	22481,9	21953,8	1,024
2018	63660,4	209	26279,6	26618,9	0,987

Маълумки, транспортда ҳам бошқа соҳалар сингари капитал ва меҳнат ресурслари асосий ишлаб чиқариш омиллари экан, иқтисодий ўсишнинг сифатига баҳо беришда улардан олинувчи даромад даражасининг таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ресурслардан оқилона фойдаланиш зарурияти ижтимоий мазмун касб этиб, ишлаб чиқаришни ташкил этишни, бошқарув тизими, меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва кўрсатилаётган хизматларни такомиллаштиришга ундайди.

Транспорт тармоғига жалб этилган умумий ресурслардан қай даражада оқилона фойдаланилаётганлигини баҳолашда корреляцион таҳлил усулидан фойдаландик. Бунинг учун 1-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, натижа ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғланишни ифодаловчи чизикли регрессия тенгламаси аниқланди ва у маълум эҳтимол (ишонч даражаси) билан баҳоланиб, улар ўртасидаги боғланиш зичлиги аниқланади.

Транспорт тизимида ялпи маҳсулоти (Y)- натижавий белги, асосий фондлар қиймати ва транспортда банд бўлган ишловчилар (x_1 , ва x_2) - омил белгилари деб олинди, Microsoft Excel дастурининг «ЛИНЕЙН» функцияси

¹¹ЎЗР давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

ёрдамида улар ўртасидаги корреляцион боғланишни ифодаловчи регрессиянинг чизикли тенгламаси қуйидаги кўринишни олди:

$$Y=0,382X_1+3,265X_2+1532,04; r^2=0,993 \quad (2)$$

2- чизикли регрессия тенгламасидан кўриниб турибдики, корреляция коэффиценти 0,993 га тенг. Бу натижавий ва омил кўрсаткичлари боғлиқлик даражасининг жуда кучли эканлигига гувоҳлик беради. Бундан шундай хулоса чиқадики, мамлакатимиз транспорт тизими ялпи маҳсулотининг ҳажми асосий фондлар қиймати ва соҳада банд бўлган ишловчиларга жуда кучли боғланган. Фишер ва Стьюдент мезонлари қийматлари жадвалдаги қийматдан катта бўлганлиги регрессия тенгламасининг параметрлари 0,95 эҳтимол билан моҳиятлилигини англатади.

Таҳлил этилаётган йиллардаги тармоқда ресурслардан фойдаланиш коэффиценти 0,95-1,04 оралиғида экан. Унинг ўзгариши ижобий бўлсада, кўшимча ўсиш суръатига асосан экстенсив ўсиш омили кучлироқ таъсир этганлигини кўрсатади. Ушбу коэффицент қиймати 1 дан қанчалик юқорилаб борса, интенсив ўсиш шунча юқорилаб бораётганини намоён этиши мумкин.

Олинган натижалар тармоқ рақобат салоҳиятини шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор беришни талаб қилади:

–фойдаланиш самарасиз бўлган ёки тижорат талаби бўлмаган ҳаракатдаги таркиб паркини янгилаш ва унинг учун зарур бўлган инвестициялаш манбаларини шакллантиришни;

–иқтисодий тармоқларининг транспорт хизматида бўлган талабини максимал даражада қондириш учун мавжуд ҳаракатдаги воситалар паркидан фойдаланишда инновацион усуллардан (интеллектуал транспорт тизимлари)самарали фойдаланишни.


“Автомобиль транспорти корхоналари рақобат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари” номли учинчи боб автомобиль транспорти корхонаси рақобат салоҳиятини бошқариш тизимини такомиллаштириш, интеллектуал транспорт тизимларидан фойдаланиш ҳисобига ташиш қобилиятидан самарали фойдаланиш ҳамда автомобиль транспорти корхоналари рақобат салоҳиятини аутсорсингни қўллаш орқали ошириш имкониятларини баҳолашга бағишланган.

Тизимли ёндашув асосида рақобат устунликларига эришиш рақобат салоҳиятини шакллантириш, уни бошқариш бўйича чуқур ва пухта ўйланган қарорларни қабул қилиш усулларини қўллашни талаб этади. Бунда, энг аввало, эътибор хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш, фаолият турларини кенгайтириш ва янги бозор сегментларини ўзлаштиришга йўналтирилган рақобатдошликни таъминлаш концепциясининг асосий тамойилларига қаратилади.

Унда базавий тамойиллар сифатида қуйидагиларни қабул қилиш мумкин:

- иқтисодий самарадорликка эришиш тамойили;
- ташкил этиш ва бошқаришнинг қулайлиги тамойили;
- иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тамойили;

- ҳаракат ва экологик хавфсизлик таъминлаш;
- давлат, жамият, транспорт операторлари ва мижозлари манфаатлари уйғунлигини таъминлаш таъминлаш (3-расм).



3-расм. Автомобиль транспорти корхонаси рақобат салоҳиятини бошқариш ва унинг самарадорлигини баҳолаш механизми¹²

¹²Муаллиф ишланмаси

Автомобиль транспорти корхонаси бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг замонавий концепциясини шакллантириш унинг ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ўзгарувчанлигига мослашувчанлигини таъминлай оладиган вазифалари, тавсифи ва потенциал имкониятларини тадқиқ этишга асосланиши лозим. Мослашувчанлик ташкилий-иқтисодий, техник-технологик, бошқарув жараёнларининг табиий ва ижтимоий-иқтисодий муҳит ўзгаришларига ва транспорт хизматлари кўрсатиш бозорининг хусусиятларига мослашувчанликни таъминлашга йўналтирилганликни англатади.

Рақобат салоҳияти бошқарувини тизимли ташкил этишда қуйидаги кетма-кетликда ушбу муҳим вазифалар амалга оширилиши лозим:

- 1) тизимнинг мақсад ва вазифаларига аниқлик киритиш;
